

Сув хўжалиги
корхоналарида ишлаб
чиқариш ҳаражатлари,
таниннарх ва баҳо



РЕЖА:

- 1. Ишлаб чиқариш
харажатларининг моҳияти, таркиби
ва элементлари.
- 2. Маҳсулот таннархи ва уни
хисоблаш усуллари.
- 3. Маҳсулот таннархини
пасайтиришнинг йўллари.



1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ, ТАРКИБИ ВА ЭЛЕМЕНТЛАРИ


Бозор иқтисодиёти шароитларида ҳар бир корхонанинг иш фаолияти тижорат сирини ташкил этади. Тижорат сири қонун билан муҳофаза қилинади. Шу билан корхонада корхона фаолиятини етарли даражада тўлиқ қилиб берадиган ҳисоб ва ҳисбот тизими ташкил этилади.

Бу тизим етказиб диган ахборот, бир томондан, корхонанинг иқтисодий натижаларини шаштириш, назорат ва тахлил этиш учун зарур бўлса, иккинчи томондан, қонунчилик белгилаб берган тартибда ва чегараларда ташқи фойдаланувчилар (солик инспекцияси, статистика органлари, банклар, кредиторлар ва бошқалар)га тақдим этилади.

Корхона иқтисодий фаолиятини тахлил этиш кичик бизнес учун муҳим аҳамиятга эга. Тахлил натижаларига суюниб, корхона фаолиятига тезкор тузатишлар киритилади, аввал белгилаб олинган вазифаларнинг рилиши даражасига баҳо берилади, корхона фаолияти

истиқболларини равишда аниқлаб олинади. Корхона фаолиятини иқтисодий тахлил этиш учун тадбиркор ишлаб чиқариш технологаяси ҳақидага билимлар билан қаторда чукур иқтисодий билимларни эгаллаган бўлиши лозим. Масалан, бухгалтерия ҳисоби маҳлумотларидан фойдалана олиш учун тадбиркор зарур даражада билим олиши лозим, корхона молиявий кўрсаткичлари эса тадбиркордан молия фанлари бўйича билимларни талаб қиласди.

ХАРАЖАТЛАР:



КОРХОНА ФАОЛИЯТИ ТАХЛИЛИ БИРИНЧИ НАВБАТДА АНИҚ ИЧКИ МАҚСАДЛАРНИ КҮЗЛАЙДИ:

- харажатларни тежаш;
- ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- маҳсулотни яхшилаш;
- ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда;
- фойдани ошириш ва бошқалар.
- Шу билан бирга, корхона фаолиятининг ташқи мақсадларга қаратилғанлиги ҳам мухим аҳамиятга эга.



КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ ТАХЛИЛ ЭТИШ МАЗМУНАН ЎЗ ТАРКИБИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ОЛАДИ:

- ✓ Корхона фаолиятининг тахлил этилаётган соҳасида тахлил этиш ўз қандай вазифа ёки мақсадни қўяётганлигини аниқ белгилаб олиш.
- ✓ Тахлил этилаётган обектнинг сабаб-оқибат алоқалари характеристини ойдинлаштириб олиш ва бу алоқаларни тадқиқ этиш учун зарур усулларни ва кўрсаткичларни танлаш.
 - Объект учун хос бўлган натижавий кўрсаткичга таосир этаётган омиллар ёки шароитлар таосирининг йўналиши ва миқдорини аниqlаш.
- ✓ Мазкур омиллар таосирини кучайтираётган ёки заифлаштираётган сабабларни аниqlаш ва тадқиқ этиш.
- ✓ Ижобий омиллар таъсирини кучайтириш бўйича тавсиялар ва хуносалар ишлаб чиқиш.

ИЧКИ МАҚСАДЛАРДАГИ КОРХОНА ФАОЛИЯТИ ТАХЛИЛИ ҚУЙИДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШГА ҚАРАТИЛАДИ:

- ✓ ишлаб чиқариш самарадорлигани оширишнинг ижобий ва салбий омилларини аниқлаш ва баҳолаш;
- ✓ самарадорликни ошириш; резервларини ишга солишга кўмаклашиш;
- ✓ корхонанинг яхлит фаолиятига ҳамда унинг бўлинмалари фаолиятига объектив баҳо бериш;
- ✓ ҳар бир ходимнинг, ҳар бир бўлинманинг эришилган натижалардаги ҳиссасини аниқлаш ва шу йўл билан корхонада ташаббускорликни раъбатлантириш учун шароит яратиш;
- ✓ корхонада оқилона бошқариш қарорларининг қабул қилиниши ва уларнинг изчил равишда ижро этилишига ёрдам бериш;
- ✓ корхонада ишлаб чиқариш ва молиявий режаларнинг асосланган бўлишини таъминлаш.



ХАРАЖАТЛАРНИ ТАХЛИЛ ЭТИШДА ҚУЙИДАГИЛАРГА БИРИНЧИ НАВБАТДА ЭТИБОР ҚИЛИНАДИ:


- харажатлар режаси ёки сметасининг қанчалик даражада экаганлиги ва корхонанинг технологик имкониятларига мувофиқ келиши;
- сарфланаётган моддий ресурслар баҳоларининг бозор баҳоларига монандлиги;
- ҳақиқий харажатлар билан норматив харажатлар ёки бошқа корхоналардаги шу хилдаги харажатлар ўртасидаги нисбат;
- харажатлардаги ўзгаришларга таъсир этган энг муҳим омиллар;
- ҳисобот даврида харажатларни пасайтириш борасида олиб борилган ишлар ва ҳоказо.

○ **Бевосита моддий харажатлар ўзгариши** сабабларини тахлил этишда унинг омилларини **биринчи босқич** (ишлаб чиқариш умумий ҳажми ўзгариши), **иккинчи босқич** (товар маҳсулоти таркиби ўзгариши) ва **учинчи босқич** (алоҳида маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатлари ўзгариши) омилларига ажратиш тавсия этилади. Шуни таҳқидлаш лозимки, ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши ва товар-маҳсулот таркиби ўзгариши бозор иқтисодиёги шароитларида бозор коноюктурасига боғлиқ бўлади, яъни улар корхона учун ташқи омил бўлиб майдонга чиқади. Учинчи босқич омиллари эса корхонанинг ўзига, тадбиркорнинг ташаббускорлигига боғлиқ.



БУНДАЙ ОМИЛЛАРГА ХУСУСАН ҚУЙИДАГАЛАРНИ КИРИТИШ МУМКИН:

- ✓ Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш.
- ✓ Маҳсулотнинг конструкция ва техник тавшфларини ўзгаришиш.
- ✓ Янги ильор технологияларни жорий этиш.
- ✓ Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишини яхшилаш.
- ✓ Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатилишини такомиллагатириш.
- ✓ Материаллардан фойдаланишини яхшилаш, тежамлироқ материаллардан фойдаланиш.
- ✓ Ортиқча харажатлар ва нобудгарчиликларга барҳам бериш.
- ✓ Транспорт-тайёрлов харажатларини тежаш.
- ✓ Тежамкорликнинг бошқа омиллари.



2. МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ВА УНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ

- Таннархда корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг сифат кўрсаткичлари - ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, ишлаб чиқариш технологияси ва меҳнатни ташкил етиш даражаси, корхонани тежамкорлик билан ва окилона юритиш омиллари, маҳсулот ишлаб чиқариш-ни юксалтириш шароитлари ўз аксини топади.
- Маҳсулот таннархини хисоблашдан кўзда тутилган асосий максад – уни ишлаб чиқаришга сарфланган аник харажатларни тегишли хужжатларда ўз вактида, тўлик ва ишончли акс еттириш хамда моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан тежамкорлик асосида, окилона фойдаланиш устидан назорат ўрнатишdir.
- Масулот таннархи корхона харажатлари тушунчасидан фарқ килади.
- Корхонанинг масулот ишлаб чиқариш, сотиш ва бошка молиявий-хўжалик фаолияти натижасида юзага келадиган барча харажатлари масулот таннархига киритилмайди. Маҳсулотнинг (ишнинг, хизматнинг) ишлаб чиқариш таннархига уни бевосита ишлаб чиқариш билан боғлик харажатлар кири-тилади.

УЛАРГА КҮЙИДАГИЛАР ТЕГИШЛИ:

- • бевосита моддий харажатлар;
- • бевосита меҳнат харажатлари;
- • ишлаб чикириш хусусиятига ега билвосита устама харажатлар.
- Бу харажатларнинг кўпчилигини натурада, яъни дона, кг, метр ва боша кўринишларда хисобга олиб бориш ва режалаштириш мумкин. Аммо масулот ишлаб чикиришга сарфланган барча харажатларни биргалиқда исобга олиш учун уларни ягона ўлчов бирлигига - киймат-пул кўринишига келтириш талаб етилади.
- Айрим турдаги ишлаб чиариш харажатларини яратилаётган масулот таннархига тўридан-тўри киритиш мумкин.



МАХСУЛОТ ТАННАРХИНИНГ БЕВОСИТА ВА БИЛВОСИТА ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ:

Xarajat moddalarini	Mahsulot tannarxiga olib borilishi jihatidan bevosita		Bilvosita (ustama)
Xomashyo va asosiy materiallar (qayta kirim qilingan chiqitlardan tashqari)	+		
Sotib olingan butlovchi qismlar va yarim fabrikatlar	+		
Ishlab chiqarish xarakteridagi ish va xizmatlar		+	
Texnologik maqsadlar uchun ishlatalgan yoqilg'i energiya	+		
Ishlab chiqarishga tegishli mehnatga haq to'lash xarajatlari	+		
Ishlab chiqarishga tegishli ijtimoiy sug'urtaga ajratmalar	+		
Moddiy qiymatliklar kamomadi va mahsulotlarning buzilishidan ko'rilgan zararlar	+		
Asosiy vositalar amortizasiyasi		+	
Ishlab chiqarishga oid boshqa xarajatlар		+	

$$МТ = МХ+ИХ+СТ+А+БИХ / М$$



- Бу ерда:
- МТ - махсулот таннархи, сўм / дона, сўм / кг ва бошка;
- МХ - ишлаб чикаришнинг моддий харажатлари, сўм;
- ИХ - ишлаб чикариш хусусиятидаги меҳнатга хак тўлаш харажатлари, сўм;
- СТ - ишлаб чикаришга тегишли бўлган ижтимоий сугурта тўловлари, сўм;
- А - асосий воситалар амортизасияси, сўм;
- БИХ - боша ишлаб чикариш харажатлари, сўм;
- М - махсулот микдори, сентнер, дона, кг, тонна ва хоказо



- Корхонада режадаги (бизнес-режада белгиланган) ва хакикий (хисобот хакикатда еришилган) таннарх хисоблаб борилиши мумкин. Бу режалаштирилган ишлаб чикириш харажатларини хакикатда еришилган даража билан солиштириш, ортикча моддий ва меҳнат ресурслари сарфларига йўл кўйилган ёки тежамга еришилганини аниклаш ва келгусида тегишли холосалар чикиришга имкон беради.
- Режадаги таннарх корхонанинг мавжуд техник, технологик ва кадрлар салохияти доирасида маҳсулот ишлаб чикиришга сарфланиши еҳтимоли бўлган харажатларниң кутилаётган максимал даражасини акс еттиради. Режадаги таннарх моддий ресурсларни сарфлаш меъёрлари асосида хисобланади. Хакикий таннарх корхонанинг маҳсулот ишлаб чиариш жараёнини хакикатда сарфланган бевосита ишлаб чикириш харажатларини ташкил етади. Хакикий таннарх режадаги таннархдан фар килиши мумкин.



- Агар у режадаги таннархдан юкори бўлса, ишлаб чикариш самардорлигининг пасайишидан паст бўлса, капитал, меҳнат ва моддий ресурслардан окилона фойдаланиш натижаларини акс еттиради. Махсулот таннархини хисоблашда факт шу махсулотни ишлаб чикариш билан боғлик харажатлар хисобга олинади. Махсулотни сотиш ва ишлаб чикаришни бошкариш билан боғлик умумкорхона харажатлари махсулот таннархига киритилмай давр харажатларига хисобига киритилади.
- Махсулот таннархини аниклашда хисоблаш обектларини билиш мухимдир. Унга килинган харажатларни алоҳида хисобга олиш мумкин бўлмаганлигидан, умумий ишлаб чикариш харажатларини хисоблаш обектлари тўгри тасимлаш мухимдир.



3. МАСУЛОТЛАР ТАННАРХИНИНГ ТАХЛИЛИ ВА УНИ ПАСАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархининг тахлилини фермер хўжалиги мисолида кўриб чикамиз.
- Маҳсулот етиштириш учун сарф бўлган ишлаб чиариш харажатларининг пул шаклида ифодаланиши таннарх деб аталади. Таннарх ўз навбатида жами масулот таннархи, масулот бирлиги таннархи ва 1 сўмлик масулотга тўри келадиган харажат кўрсаткичларига бўлинади. Бу бўлимда бир бирлик масулот таннархини талил илиш тартиби ёритилади. Масулот бирлигининг таннархи талилини амалга ошириш учун солиш-тириш ва занжирли боланиш усуслари кенг ўлланилади. исбот давридаги бир бирлик масулотнинг ишлаб чиариш таннархини базис давридаги (ёки режалаштирилган) таннархига солиштириб, мутла ва нисбий ўзгаришлари аниланади. Сўнгра «Занжирли боланиш» усули орали омилли талил етилиб, омилларнинг ар бирининг таъсирига бао берилади ва таннархни пасайтириш имкониятлари кўрсатилиб, холоса килинади.

1 С. МАСУЛОТ ТАННАРХИННИГ ЎЗГАРИШИ БЕВОСИТА
ЭКСТЕНСИВ ВА ИНТЕНСИВ ОМИЛЛАР
ТАЪСИРИ ОСТИДА СОДИР БЎЛАДИ. Бу ОМИЛЛАР
КУЙИДАГИЛАРДИР:

- 1) 1 гектар экин майдони (ёки 1 бош чорва моли) хисобига сарф бўлган ишлаб чикариш харажатлари хажмининг ўзгариши;
- 2) 1 гектар экин майдонидан олинган хосил (ёки 1 бош молдан олинган маҳсулот) миқдорининг ўзгариши (хосилдорлик ёки маҳсулдорлик даражасининг ўзгариши).



ШАРТЛИ ТАННАРХ КАНДАЙ АНИКЛАНАДИ?

- Шартли таннархни ($Z_{ш}$) аниклаш учун хисобот иилидаги 1 гектар өкін майдони хисобига сарф бўлган харажатлар хажмини (IX_1) базис иилидаги хосилдорлик даражасига ($_0$) бўлиш керак:

$$Z_{ш} = \frac{IX_1}{X_0}$$




ТАХЛИЛ УЙИДАГИ ТАРТИБДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

- Биринчи навбатда 1 с. махсулот таннархининг умумий ўзгариши аникланади.
- Бунинг учун хисобот йилидаги 1 с. махсулот таннархидан базис йилидаги (ёки режадаги) 1 с. махсулот таннархи чегириб ташланади
- Ушбу ўзгаришга омилларнинг таъсири уйидагича аниланади.
- 1 с. масулот таннархининг ўзгаришига екстенсив омилнинг, яъни 1 га экин майдони хисобига сарф бўлган харажат суммаси ўзгаришининг таъсирини аниклаш учун 1 с. махсулотнинг шартли таннархидан базис давридаги (ёки режадаги) 1 с. махсулот таннархини чегириб ташлаш керак

ТАХЛИЛ УЙИДАГИ ТАРТИБДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

- 1 с. махсулот таннархининг ўзгаришига интенсив омилнинг, яъни хосилдорлик даражаси ўзгаришининг таъсирини аниклаш учун 1 с. махсулотнинг хисобот йилидаги таннархидан 1 с. махсулотнинг шартли таннархини чегириб ташлаш керак
- Ушбу омиллар таъсирларининг йигиндиси 1 с. махсулот таннархининг умумий ўзгаришига teng келиши шарт.
- Тенглик анилангандан кейин омиллар тасирига баҳо берилиб, таннархни камайтириш имкониятлари кўрсатилиб, хулоса килиниши керак



ТАННАРХ ТАРКИБИ ВА ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ УЙИДАГИ ХАРАЖАТ МОДДАЛАР БҮЙИЧА ЎРГАНИЛАДИ.

- 1. Мехнат хаки ажратмалар билан
- 2. Ўгитлар
- 3. Уруглик
- 4. Амортизасия
- 5. Иш хизматлар
- 6. Ёкилги-мойлаш материаллари
- 7. Умушишлаб чикариш харажатлари
- 8. Бошка тўгри харажатлар



ХУЛОСА

- Тахлил хисобот йилидаги таннарх таркибидаги харажат моддалари хажмини базис йилидаги ёки режа бўйича кўзда тутилган харажат моддалари хажмига солиштириб, ўзгаришини аниклашдан бошланади. Таннарх таркибидаги хар бир моддада ўз аксини топган харажатлар хажмининг ўзгариши екстенсив ва интенсив омиллар тасирида юзага келади. Ушбу омлларнинг таъсирини занжирли bogланиш усули оркали аниклаб, таннархни камайтириш имкониятлари кўрсатилади



- Фойдаланиладиган адабиётлар:

- А.С.Султонов, С.Хўжаев, Д.Минин.
«Суѓориладиган ерлар сув хўжалиги экономикиси». Тошкент «Меѓнат», 1989.
- А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти». Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент. 2004.
- Ф.К.Каюмов. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. Москва, ИПО. «Полигрон», 1992.
- А.С.Султонов, З.Я.Худойберганов, С.А.Қўчкорова «Сув хўжалиги иқтисодиёти». Тошкент 2007.



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ!**

